

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР  
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ ФАРРУХ ХОЛИЁРОВИЧ**

**АЙЛАНМА ҲАРАКАТЛИ ОҚИМЛАРНИНГ МАТЕМАТИК  
МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИ СОНЛИ ЕЧИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам  
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on Physical-mathematical Sciences**

**Назаров Фаррух Холиёрович**

Айланма ҳаракатли оқимларнинг математик моделлари ва уларни сонли ечиш  
.....3

**Назаров Фаррух Холиёрович**

Математические модели вращающихся потоков и их численные решения  
.....21

**Nazarov Farrukh Kholiyorovich**

Mathematical models of rotating flows and their numerical  
solutions.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....42

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР  
СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВ ФАРРУХ ХОЛИЁРОВИЧ**

**АЙЛАНМА ҲАРАКАТЛИ ОҒИМЛАРНИНГ МАТЕМАТИК  
МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИ СОНЛИ ЕЧИШ**

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В.2020.2.PhD/FM236 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўз Р ФА М.Т. Ўрозбоев номидаги Механика ва сейсмик мустаҳкамлиги институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instmech.uz](http://www.instmech.uz)) ва "Ziyonet" ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маликов Зафар Маматқулович**

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

Худайкулов Савет Ишонқулович

техника фанлари доктори, профессор

Зокиров Асқар Халилович

физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.02/30.12.2019. Т/FM.61.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «5» «август» соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент, Дўрмон йули кўчаси, 33, 1-мажлислар зали. Тел: (99871) 262-71-52; Факс: (99871) 262-71-32, e-mail: instmech@academy.uz).

Диссертация билан Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йули кўчаси, 33-уй. Тел.: (99871) 262-71-52).

Диссертация автореферати 2020 йил «13» июль куни тарқатилди.  
(2020 йил «13» июльдаги 1 рақамли реестр баённомаси)



**М.М.Мирсаидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор, ЎЗР ФА академиги

**М.К.Усаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, ф.-м.ф.д., к.и.х.

**И.К.Хужаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида суyoқлик ва газлар механикасидаги айланма ҳаракатли oқимлар турли хил технологик жараёнларда кенг қўлланилади. Айланма ҳаракатли oқимлар ёрдамида урани бойитиш, чанг туткичларда чангни ушлаш, сеператорларда турли маҳсулотларни ажратиш, ички ёнув двигателларида ёниш жараёнини барқарорлаштириш ва ҳоказолар амалга оширилади. Ундан ташқари табиатда куюнларда, дарёлардаги уюрмаларда, шунингдек учувчи аппаратларнинг изида, кема винтларида ва шамол генераторларида айланма ҳаракатли oқимларни кузатиш мумкин. Ушбу жараёнларнинг барчасида oқимларнинг турбулентлиги кузатилади. Шу сабабли айланма ҳаракат қилаётган турбулент oқимларнинг самарали математик моделларини ва ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш гидромеханиканинг долзарб муаммоларидир. Чунки улар физик жараёнларни ўрганишга, шунингдек айланма ҳаракатли oқимлардан фойдаланиладиган турли хил технологик қурилмаларнинг мақбул параметрларини топишга имкон беради.

Ҳозирги кунда жаҳонда айланма ҳаракатли oқимларнинг ҳолатини тасвифловчи турли хил математик моделлар ишлаб чиқилмоқда ва улар қўлланиладиган турли амалий масалалар кўлами кенгаймоқда. Oқимларни айлантириш кучли анизотроп турбулентликка олиб келади. Математик жиҳатдан бу масала анча мураккабдир ва ҳозиргача айланма турбулент oқим учун универсал модель яратилмаган. Ушбу муаммо кўп фазали турбулент oқимларни ўрганишда янада мураккаблашади. Шу муносабат билан кўп фазали турбулент oқимлар учун турбулентликнинг такомиллаштирилган математик моделларини, самарали ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Мамлакатимизда турли материаллар ишлаб чиқариш воситаларини ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, марказдан қочма чанг туткичларнинг турли сарфлар ва турлича дисперсион таркибли муҳитларда ишлайдиган самарали конструкциялари ишлаб чиқарилмоқда ва ишлаб чиқариш объектларига жорий этилмоқда. Шу билан бирга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...ишлаб чиқаришни..., техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ..., юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш;... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ...”<sup>1</sup> вазифалари келтириб ўтилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда айланма

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳаракатли оқимларни моделлаштириш, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказиш имкониятини берувчи дастурий мажмуалар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789 сонли ва 2018 йил 3 октябрдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3956-сонли Қарорларида белгиланган вазифаларни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш учун хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Айланма ҳаракат қилаётган кўп фазали ва кўп компонентали муҳитлар динамикаси ва уларда масса кўчиши кўплаб мутахассислар томонидан аэро-, гидродинамика қонунлари асосида тадқиқ этилган. Айланма ҳаракатли оқимларда кечадиган жараёнларнинг математик моделини, ҳисоблаш алгоритмларини тузиш ва такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишлари жаҳоннинг кўпгина етакчи илмий марказларида, жумладан NASA (National Aeronautics and Space Administration), Stanford University (АҚШ), Санкт-Петербург Давлат техника университети, Марказий аэрогидродинамика институти (РФ), China Aerodynamics Research and Development Center (ХХР), The Air Systems Research Center (Япония), Cambridge University (Буюк Британия), Computational Aerodynamics Institute (Канада)да олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда айланма турбулент ҳаракатли оқимлар ҳолатини математик моделлаштириш, аэрогидродинамиканинг тенгламаларини сонли ечиш учун самарали усулларни ва алгоритмларни яратиш устувор илмий йўналишлардан ҳисобланади.

Х.А. Раҳматуллин фазалар концентрациясининг ўзгариши туфайли ҳосил бўладиган қўшимча кучни кашф этди ва унинг асосида кўп фазали оқимларнинг классик моделини такомиллаштирди (1956). Кўп фазали оқимнинг классик математик модели Р. Бусройд (1975) ва А. Фортъе (1971) ишларида келтирилган. Россия Фанлар академиясининг Ҳисоблаш марказида турли мураккаб аэрогазодинамик оқимларни ўрганиш учун О.М. Белоцерковский, Ю.М. Давидов томонидан самарали сонли усуллар ишлаб чиқарилган ва кенг қамровли ҳисоб тажрибалари ўтказилган (1973). Р.И. Нигматулин ўзининг илмий ишларида қаттиқ ва суюқ фазадаги заррачаларнинг ўзаро таъсирлашувини ҳисобга олди (1987). В.В. Новомлинский, М.П. Стронгинларнинг цилиндрик каналда айланма ҳаракат қилаётган бир ва икки

фазали турбулент оқимларга тааллуқли ишларида к-е модели орқали сонли ўрганилган (1988). Спаларат П.Р. ва Аллмарас С.Р. (1992), Шур М.Л. (1997), Ментер Ф.Р. (1994), Вилкокс Д.С. (2006) ва Секундов А. (1995) ишларида турбулентликнинг такомиллаштирилган моделлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда кўп фазали оқимлар назариясини ривожлантиришда Ж.Ф. Файзуллаев, О.И. Умаров, Қ.Ш. Латипов И.Н. Хусанов, А.А. Ҳамидов, А.О. Шокиров, З.М. Маликов, О.М. Арифжонов, А.М. Фатхуллаев ва бошқаларнинг хизматлари катта. Таҳлил кўрсатишича, кўп фазали муҳитларда айланма ҳаракатли оқимларининг турбулентликни ҳисобга оладиган такомиллашган математик моделлари ва сонли ечиш усуллари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ф.13-12 «Иссиқлик ва муаллақ заррачаларнинг турбулент оқимда узатилиши» (2012-2014) мавзусидаги илмий грант, 14/2012 сонли 15.07.2012 й “Навоий кон металлургия комбинатининг транспорт воситаларига инерцион ҳаво тозалагичларни синаш ва татбиқ қилиш”, 02-1466.23.04.2013 сонли “Ҳаво тозалагичларни оғир юк ташувчи автомашиналарда синаш ва конструкторлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш” хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кўп фазали турбулент оқимларнинг математик моделларини куриш ва улар асосида циклон типидagi чанг туткичларнинг физик хусусиятларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабиётлар таҳлили асосида икки фазали муҳитнинг ҳаракатидаги куч омилларини қиёсий баҳолаш;

пахта териш машинасининг пневматик қисмидаги икки фазали оқимларни математик моделлаштириш ва сонли ечиш;

сиқилмайдиган ёпишқоқ суюқликнинг эгри деворли қувурлардаги оқимини Навье-Стокс тенгламалари орқали ечиш;

сиқилмайдиган суюқликларнинг ўққа нисбатан симметрияга эга струясининг сокин муҳитда тарқалиши ва ясси пластинани оқиб ўтиш масалаларини турбулентликнинг турли моделларини қўллаш билан сонли ечиш;

айланма ҳаракатли икки фазали турбулент оқимларни сонли моделлаштириш ва марказдан қочма чанг туткичнинг самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** айланма ҳаракат қилаётган икки фазали оқимларнинг турбулентлигидир.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида айланма ҳаракат қилаётган икки фазали оқимлар учун турбулентликнинг математик моделлари қаралган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда кўп фазали ва кўп компонентали муҳитларнинг ламинар ва турбулент ҳаракатларини моделлаштириш, хусусий ҳосилали чизиксиз тенгламалар системаларини сонли ечиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Эйлер ва Навье-Стокс тенгламалари асосида чанг туткичда кечадиган жараёнларнинг математик моделлари ишлаб чиқилди;

турбулент оқимлар учун Навье-Стокс тенгламалари асосида чанг туткич ичидаги ҳаво ва қаттиқ фазанинг ўзаро таъсирлашувини ҳисобга олган ҳолда сонли ечим олинди;

турбулентликнинг Спаларт-Аллмарас ва k-ε моделларидан фойдаланиб ясси пластинани оқиб ўтиш ва ўққа нисбатан симметрияга эга струянинг сокин муҳитда тарқалиши масалалари ечилди;

икки муҳитли айланма ҳаракатли турбулент оқим учун сонли ечим олинди, унинг стенд тажриба натижалари билан мослиги таъминланиб, марказдан қочма чанг туткичнинг оптимал ўлчамларини топишга жорий этилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахтани машинада териш жараёнида чанг ва ифлосликлардан тозалаш қурилмаси таклиф этилди ва унинг аэродинамик хусусиятлари ишлаб чиқилган;

икки фазали турбулент оқимларни ўрганиш учун дастурлар мажмуи ишлаб чиқилдики, у марказдан қочма чанг туткичнинг кўрсаткичларини аниқлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аэрогидродинамика масалаларининг қатъий қўйилиши, уларни сонли ечишда олдиндан маълум бўлган усул ва алгоритмларга таянилганлиги, ҳамда назарий йўл билан олинган натижаларнинг тажриба натижаларига мос келиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, марказдан қочма чанг туткичнинг ичида кечадиган жараёнларни ўрганишда илк бор турбулентликнинг замонавий моделлари қўлланилиб, чанг туткичда содир бўлаётган жараёнларни етарли даражада адекват ёритиш имкони яратилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори самарага эга бўлган чанг туткичларни лойиҳалаш амалиётига жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказдан қочма чанг туткич ичида кечадиган жараёнларнинг такомиллаштирилган моделларини сонли тадқиқотлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чанг туткич ичида кечадиган турбулент оқимларни сонли ечиш алгоритми ва дастурий воситаси Олмалик кон-металлургия комбинатида Рух заводида (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2020 йил 21 февралдаги АС-01440 маълумотномаси) майда рух кукунини ажратиш олиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этилган. Илмий натижанинг қўлланилиши рух кукунини 7 мкмдан кичик ва катта бўлган икки фракцияга ажратиш имконини берган;

чанг туткич ичида кечадиган жараённи ифодаловчи математик модель, сонли ечиш алгоритми ва яратилган дастурий воситаси Олмалик кон-металлургия комбинатида Рух заводида рух кукунини сепарациялашга жорий этилган (“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ нинг 2020 йил 21



февралдаги АС-01440 маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши чанг туткичнинг фойдали иш коэффициентини 50-70% га ошириш ва хорижда ишлаб чиқарилаётган рух кукунининг сифатидан қолишмайдиган маҳсулот олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 8 таси республика ва 2 таси Scopus базаси рўйхатига кирувчи хорижий журналларда нашр этилган. ЭХМ учун дастурий маҳсулот қайд этилганлиги ҳақида 3 гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фани ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг янгиликлари, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлик ҳолати ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Айланма ҳаракат қилаётган оқимлар моделларининг назарий-услубий асослари”** деб номланган.

Биринчи параграфда айланма ҳаракат қилаётган турбулент оқимда ҳосил бўладиган, қаттиқ заррачаларга таъсир қилувчи кучлар таҳлил қилинган. Ушбу кучларнинг катталиги баҳоланди.

Иккинчи параграфда турбулентликнинг асосий характеристикалари ва хоссалари муҳокама этилган.

Учинчи параграфда турбулент оқимни ўрганишда мавжуд математик моделларнинг афзалликлари ва камчиликлари муҳокама этилган.

Адабиётлар таҳлили натижаси, фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги мавжуд муаммолардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.


Диссертациянинг иккинчи боби **“Айланма ҳаракатли оқимларни Эйлер ва Навье-Стокс тенгламалари орқали моделлаштириш ва сонли тадқиқ қилиш”** деб номланган.

Биринчи параграфда пахта териш машинасини пневматик ташишдаги ҳаракати икки фазали оқим сифатида моделлаштирилган (1-расм). Реал

ҳолатларда муайян ҳажмдаги ҳавонинг массаси пахта массасидан анча катта. Бу ҳол қаттиқ фаза ҳаракатининг газ ҳаракати динамикасига таъсирини эътиборга олмаслик имконини беради. Шу туфайли, ҳаво оқимининг математик моделини тузиш учун Эйлер тенгламалар системасидан, иккинчи (пахта чаноклари, чанг) фаза учун эса Лагранж ёндашувидан фойдаланилган:

$$\begin{cases} \frac{\partial r V_r}{r \partial r} + \frac{\partial V_\varphi}{r \partial \varphi} = 0, & V_r \frac{\partial V_r}{\partial r} + \frac{V_\varphi}{r} \frac{\partial V_r}{\partial \varphi} - \frac{V_\varphi^2}{r} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial r} = 0, \\ V_r \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} + \frac{V_\varphi}{r} \frac{\partial V_\varphi}{\partial \varphi} - \frac{V_\varphi V_r}{r} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial \varphi} = 0, & V_{pr} \frac{\partial V_{pr}}{\partial r} + \frac{V_{p\varphi}}{r} \frac{\partial V_{pr}}{\partial \varphi} - \frac{V_{p\varphi}^2}{r} = k(V_r - V_{pr}), \\ V_{pr} \frac{\partial V_{p\varphi}}{\partial r} + \frac{V_{p\varphi}}{r} \frac{\partial V_{p\varphi}}{\partial \varphi} + \frac{V_{p\varphi} V_{pr}}{r} = k(V_\varphi - V_{p\varphi}). \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда  $V_r, V_\varphi$  – кутб координаталари  $r$  ва  $\varphi$  йўналишлари бўйича ҳаво тезлик векторининг ташкил этувчилари;  $V_{pr}, V_{p\varphi}$  –  $r$  ва  $\varphi$  координаталари бўйлаб тола ва чангнинг тезликлари;  $k$  – ҳаво ва аралашма ўртасидаги таъсирлашув коэффиценти;  $p$  – гидростатик босим.



**1-расм. Пахта териш аппаратининг вентилятори ва бункери орасига ўрнатилган қурилма**

Чегаравий шартлар куйидагича шакллантирилди:  $\varphi_0 = 0$  ва:  $R_1 < r < R_2$  да:

$V_r = 0, V_\varphi = 1, V_{pr} = 0, V_{p\varphi} = 1$ ; қаттиқ девор  $\varphi = \varphi_1$  да:  $V_n = 0, \frac{\partial V_\tau}{\partial n} = 0$ ; DK ва FL

кесмаларда:  $\frac{\partial^2 V_\varphi}{\partial \varphi_0^2} = 0$ . Бунда  $V_n, V_\tau$  – уринма ва нормаль йўналишдаги тезликлар.

(1) системанинг дастлабки уч тенгламаси ҳаво ҳаракатига тегишли бўлиб, улар масса ва импульс сақланиш қонунларини ифодалайди. (1) системанинг охириги икки тенгламаси иккинчи фаза учун импульс сақланиш қонунини ифодалайди.

Иккинчи ва учинчи тенгламаларга кўра, ҳавони ҳаракатлантирувчи куч босим граденди бўлса, охириги икки тенгламага кўра, иккинчи фазани ҳаракатлантирувчи кучни икки фазанинг ёпишқоқлик туфайли ўзаро

таъсирлашуви кучи ташкил этади. Фазалараро ўзаро таъсирлашуви кучининг коэффициенти  $k$  Стокс формуласи асосида топилади.

(1) тенгламалар системасини ечиш учун ҳаво оқимини потенциал оқим деб фарз қилинган:

$$\frac{\partial r V_\varphi}{r \partial r} - \frac{\partial V_r}{r \partial \varphi} = 0. \quad (2)$$

Оқим чизиғи функцияси  $\psi$  ни киритилган:

$$V_r = -\frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial \varphi}, \quad V_\varphi = \frac{\partial \psi}{\partial r}. \quad (3)$$

Бу ҳолда (3) муносабат узлуксизлик тенгласини қаноатлантиради. (1) системанинг иккинчи ва учинчи тенгламалари ўрнига қуйидаги тенгламани ҳосил қилинган:

$$\frac{\partial^2 \psi}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r} + \frac{1}{r^2} \frac{\partial^2 \psi}{\partial \varphi^2} = 0. \quad (4)$$

(4) тенгламанинг ечимидан (3) ёрдамида ҳаво тезликларини топиш мумкин. Топилган ҳаво оқимининг тезликларидан иккинчи фазанинг траекторияларини топишда фойдаланилади. Бунинг учун (1) тенгламалар системасининг охириги икки тенгласини қуйидагича ёзилган:


$$\frac{dV_{pr}}{dt} = \frac{V_{p\varphi}^2}{r} + k(V_r - V_{pr}), \quad \frac{dV_{p\varphi}}{dt} = -\frac{V_{p\varphi} V_{pr}}{r} + k(V_\varphi - V_{p\varphi}). \quad (5)$$

Ҳисоблаш соҳасини тўртбурчак шаклга келтириш учун  $(r, \varphi)$  янги координаталар  $(\xi, \eta)$  билан алмаштирилади:  $\xi = \varphi$ ,  $\eta = \frac{r - R_1}{R(\varphi) - R_1}$ . Бу ерда  $R(\varphi) - r$  бўйича оқимнинг ташқи чегараси.

Янги ўзгарувчиларга ўтиш натижасида (4) дан ҳаво оқим чизиғи учун қуйидаги тенгламани оламиз:

$$\frac{\partial^2 \psi}{\partial \xi^2} + 2 \frac{\partial \eta}{\partial \varphi} \frac{\partial^2 \psi}{\partial \xi \partial \eta} + \left( r^2 \left( \frac{\partial \eta}{\partial r} \right)^2 + \left( \frac{\partial \eta}{\partial \varphi} \right)^2 \right) \frac{\partial^2 \psi}{\partial \eta^2} + \left( r \frac{\partial \eta}{\partial r} + \frac{\partial^2 \eta}{\partial \varphi^2} \right) \frac{\partial \psi}{\partial \eta} = 0. \quad (6)$$

(6) тенглама иккинчи тартибли аниқликда аппроксимацияланди ва итерация усулида ечилди. (5) тенгламалар системасини ечиш учун Эйлернинг иккинчи даражали аниқликдаги усулидан фойдаланилди. Чанг ва пахта қисмларининг характерли ўлчамларига қараб фазалараро таъсирлашув кучи коэффициенти  $k$  нинг қиймати аниқланган.



2-расм. Чанг зарралари (а) ва пахта қисмларининг (б) траекториялари


Сонли натижалар (2-расм) пахтани машинада териш жараёнида уни қисман тозалаш имкони мавжудлигини кўрсатди.

Иккинчи параграфда статик ҳаво классификаторларида (3-расм) майда зарраларни ажратиш жараёнини ўрганиш ва конструкциянинг муқобил кўрсаткичларини аниқлаш учун математик модель ва моделнинг тенгламаларини ечиш учун сонли алгоритм ишлаб чиқилган.

Бу ерда оқим ўққа нисбатан симметрик бўлгани учун Эйлер тенгламаларининг цилиндрик координаталардаги кўринишидан фойдаланилган:

$$\begin{cases} \frac{\partial(rV_z)}{\partial z} + \frac{\partial(rV_r)}{\partial r} = 0, & \frac{\partial V_z}{\partial t} + V_z \frac{\partial V_z}{\partial z} + V_r \frac{\partial V_z}{\partial r} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial z} = 0, \\ \frac{\partial V_r}{\partial t} + V_z \frac{\partial V_r}{\partial z} + V_r \frac{\partial V_r}{\partial r} - \frac{V_\varphi^2}{r} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial r} = 0, & \frac{\partial V_\varphi}{\partial t} + V_z \frac{\partial V_\varphi}{\partial z} + V_r \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} + \frac{V_r V_\varphi}{r} = 0. \end{cases} \quad (8)$$

Бу тенгламалар системасида  $p, \rho, V_z, V_r, V_\varphi$  – босим, газнинг зичлиги ва оқим тезлигининг ташкил этувчилари.



**3-расм. Марказдан қочма чанг туткичнинг принципал схемаси**

Қаттиқ деворларда тезликларни нолга тенглаб оламиз;  $z=0$  ва  $0 < r < R_1$  да:  $V_r = V_r(r), V_z = V_z(r), V_\varphi = V_\varphi(r)$ ;

$z=0$  ва  $R_1 < r < R_2$  да:  $V_r = V_\varphi = 0, \frac{\partial V_z}{\partial r} = 0$ ;

$z=L$  да:  $\frac{\partial^2 V_r}{\partial r^2} = 0, \frac{\partial^2 V_z}{\partial r^2} = 0, \frac{\partial^2 V_\varphi}{\partial r^2} = 0$ .

Қулайлик учун оқим чизиғи функцияси  $\psi$ , оқим уюмаси  $\zeta$  ва айланма оқим циркуляцияси  $\Gamma$  ни киритамиз. Ушбу ўзгарувчилар оқим тезлиги ташкил этувчилари билан қуйидаги боғланишларга эга:

$$V_z = -\frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r}, \quad V_r = -\frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial z}, \quad \zeta = \frac{\partial V_r}{\partial z} - \frac{\partial V_z}{\partial r},$$

$$\Gamma = rV_\varphi.$$


(8) системадан босимни йўқотиб, қуйидаги тенгламалар олинган:

$$\frac{\partial^2 \psi}{\partial z^2} + \frac{\partial^2 \psi}{\partial r^2} - \frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r} = -r\zeta, \quad \frac{\partial \zeta}{\partial t} + \frac{\partial V_r \zeta}{\partial z} + \frac{\partial V_z \zeta}{\partial r} = \frac{\partial}{\partial z} \frac{\Gamma^2}{r^3}, \quad \frac{\partial \Gamma}{\partial t} + V_z \frac{\partial \Gamma}{\partial z} + V_r \frac{\partial \Gamma}{\partial r} = 0. \quad (9)$$

Заррачалар ҳаракати қуйидаги тенгламалардан аниқланган:


$$m_p \frac{DV_{pz}}{Dt} = 3\pi\mu\delta(V_z - V_{pz}), \quad m_p \frac{DV_{pr}}{Dt} = 3\pi\mu\delta(V_r - V_{pr}) + \frac{m_p V_{p\varphi}^2}{r}, \quad m_p \frac{DV_{p\varphi}}{Dt} = 3\pi\mu\delta(V_\varphi - V_{p\varphi}).$$

Масалани сонли ечишда, олдинги параграфда бажарилганидек, ҳисоблаш соҳаси тўртбурчак шаклга олиб келинди ва янги ўзгарувчиларга ўтилди. Чанг зарраларининг траекторияси ва тезликларни ҳисоблашда Лагранж ёндашуви қўлланилди. Сонли натижалар 4-расмда келтирилган.



**4-расм. 3, 6 ва 10 мкм диаметри зарраларнинг траекториялари**


Марказдан қочма чанг туткичларда марказдан қочма куч туфайли чанг зарралари девор яқинида йиғилиб, сўнгра бункерга қараб йўналади. Учинчи параграфда чанг туткичнинг яна бир тури қаралиб, зарралар қурилманинг ўрта қисмида йиғилади (5-расм). Расмдан кўриниб турибдики, бу ҳолатда газ фазаси деворга қараб ҳаракатланади ва чанг зарралари ўзининг инерцияси туфайли оқим ўртасида қолади. Бундай стационар оқимни ифодалаш учун Навье-Стокс тенгламаси қўлланилган:



**5-расм.  $y=0$  ва  $y=f(x)$  чегарали каналдаги оқимнинг схематик кўриниши**

Киришда ( $x=0$  да) бир жинсли  $u_0$  тезлик майдони берилди. Чикишда ( $x=L$  да) тезликларнинг силлиқ ўтиши  $\frac{\partial^2 V_z}{\partial x^2} = 0$ ,  $\frac{\partial^2 V_r}{\partial x^2} = 0$  шартларидан фойдаланилди. Қаттиқ чегарада ёпишқоқлик туфайли суюқлик тезлиги нолга тенг деб олинди:  $V_z|_{y=0, y=f(x)} = 0$ ,  $V_r|_{y=0, y=f(x)} = 0$ .

Бу ерда соҳани регуляр тўртбурчак шаклга олиб келиш учун янги эркин ўзгарувчиларга ўтилди. Тенгламалар системаси (10) ни сонли ечишда Мак-Кормакнинг икки босқичли схемаси қўлланилди.



**а** **б** **в**  
**6-расм. Рейнольдс сони 20 (а), 200 (б) ва 2000 (в) га тенг бўлганда оқим чизиғи функциясининг  $(\xi; \eta)$  координаталардаги изолиниялари**

4-расмдан кўришиб турибдики, Рейнольдс сонининг қиймати ортиши билан уярма ҳосил бўлади. Уярма ҳисобидан турбулент оқим пайдо бўлади. Рейнольдс сонининг қиймати 2000 дан ошганда оқим муқаррар турбулент режимга ўтади. Бундай ҳолда турбулентликнинг таъсирини ҳисобга олиш керак бўлади.

Диссертациянинг учинчи “**Турбулент оқимларнинг математик ва сонли моделлари ва уларнинг татбиқи**” бобида айланма ҳаракатли турбулент оқимларга доир масалалар қаралган. Бундай масалаларни тавсифлаш учун Рейнольдс бўйича ўрталаштирилган Навье-Стокс тенгламасидан фойдаланилди.

Бобнинг биринчи параграфи сиқилмайдиган суюқликларнинг ўққа нисбатан симметрияга эга струясининг сокин муҳитда тарқалиш жараёнини модификациялаштирилган  $k - \varepsilon$  модели асосида тадқиқ этишга бағишланган. Тенгламалар системаси цилиндрик координаталарда қуйидагича олинган:

$$\begin{cases} \frac{\partial V_z}{\partial z} + \frac{\partial r V_r}{r \partial r} = 0, & V_z \frac{\partial V_z}{\partial z} + V_r \frac{\partial V_z}{\partial r} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left[ r(v + v_t) \frac{\partial V_z}{\partial r} \right], \\ V_r \frac{\partial k}{\partial r} + V_z \frac{\partial k}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \frac{v_t}{\sigma_k} \frac{\partial k}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{v_t}{\sigma_k} \frac{\partial k}{\partial z} \right) + G - \varepsilon, \\ V_r \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} + V_z \frac{\partial \varepsilon}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \frac{v_t}{\sigma_\varepsilon} \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{v_t}{\sigma_\varepsilon} \frac{\partial \varepsilon}{\partial z} \right) + c_1 f_1 \frac{\varepsilon}{k} G - c_2 f_2 \frac{\varepsilon^2}{k}. \end{cases} \quad (11)$$

Тенгламалар системаси қуйидаги шартларда ечилади:

$z = 0$  ва  $r < R$  да:  $V_z = 1$ ,  $V_r = 0$ ,  $k = 0.19$ ,  $\varepsilon = 0.19$ ;  $r \rightarrow \infty$  да:

$V_z = V_r = k = \varepsilon = 0$ ;  $r = 0$  да:  $V_z = \frac{\partial V_z}{\partial r} = \frac{\partial k}{\partial r} = \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} = 0$ ;

бу ерда  $G$  – тезликнинг  $V_z$  ва  $V_r$  ташкил этувчилари туфайли турбулентлик генерацияси;  $k$  – кинетик энергия диссипацияси;  $\varepsilon$  – диссипация тезлиги;  $V$ ,  $v_t$  – ламинар ва турбулентликнинг кинематик ёпишқоқлик коэффициентлари.

Масалани сонли ечиш учун янги  $\xi(z, r)$ ,  $\psi(z, r)$  координаталар киритилди:

$$\xi = z, \quad V_z = \frac{\psi}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r}, \quad V_r = -\frac{\psi}{r} \frac{\partial \psi}{\partial z}.$$

Янги ўзгарувчиларда (11) тенгламалар системаси куйидагича бўлади:

$$\begin{cases} \frac{\partial V_z}{\partial \xi} = \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left[ \frac{r^2 V_z}{\psi} (v + v_t) \frac{\partial V_z}{\partial \psi} \right], & \frac{\partial k}{\partial \xi} = \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left( \frac{r^2 V_z}{\psi} \frac{v_t}{\sigma_k} \frac{\partial k}{\partial \psi} \right) + \frac{G - \varepsilon}{V_z}, \\ \frac{\partial \varepsilon}{\partial \xi} = \frac{1}{\psi} \frac{\partial}{\partial \psi} \left( \frac{r^2 V_z}{\psi} \frac{v_t}{\sigma_\varepsilon} \frac{\partial \varepsilon}{\partial \psi} \right) + \frac{c_1 f_1 \varepsilon G - c_2 f_2 \varepsilon^2}{V_z k}. \end{cases} \quad (12)$$

(12) тенгламалар системасини сонли ечиш учун ошкормас чекли айирмали схемадан ва куйиш усулидан фойдаланилди. Ўлчовсиз қадамлар  $\Delta \xi = 10^{-4}$ ,  $\Delta \psi = 10^{-2}$  деб олинди. Сонли натижаларда струянинг турли кесимларида бўйлама тезликнинг тарқалиши, ўқдаги тезликнинг оқим бўйлаб ўзгариши ва турбулент кучланишнинг турли кесимлардаги профиллари олинди.

Иккинчи параграфда ясси пластинани оқиб ўтиш масаласининг турбулентликнинг Спаларт-Аллмарас модели асосидаги сонли ечими берилди.

Сиқилмайдиган суюқликнинг ясси параллел стационар ҳаракати Навье-Стокс тенгламалари билан ифодаланди:

$$\begin{cases} \frac{\partial V_z}{\partial x} + \frac{\partial V_r}{\partial y} = 0, & V_z \frac{\partial V_z}{\partial x} + V_r \frac{\partial V_z}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} \left[ (v + v_t) \frac{\partial V_z}{\partial y} \right], \\ V_z \frac{\partial \tilde{v}}{\partial x} + V_r \frac{\partial \tilde{v}}{\partial y} = P_w - D_w + \frac{1}{\sigma} \left[ \frac{\partial}{\partial y} \left( (v + \tilde{v}) \frac{\partial \tilde{v}}{\partial y} \right) + C_{\varepsilon 2} \left( \frac{\partial \tilde{v}}{\partial y} \right)^2 \right]. \end{cases} \quad (13)$$

Бу ерда  $V_z, V_r$  – бўйлама ва кўндаланг тезликлар;  $\tilde{v}$  – келтирилган турбулент ёпишқоқлик коэффициенти;  $P_w, D_w$  – турбулентликнинг генерацияси ва диссипацияси.

Ушбу масалани ечишда оқим чизиғи функцияси киритилиб, Мизес координаталарига ўтилди. Сонли натижалар натижасида олинган импульс йўқолиши қалинлигининг пластина ўлчовсиз узунлигига боғлиқ ўзгариши, пластина ишқаланиш коэффицентининг импульс йўқолиш қалинлигига боғлиқлиги ва ўлчовсиз бўйлама тезликнинг ихтиёрий кесимда чегаравий қатлам қалинлигидаги ўзгариши маълум тажриба маълумотларига яхши мос келади.

Учинчи параграфда марказдан қочма чанг туткидаги икки фазали айланма ҳаракатли турбулент оқим масаласи сонли ечилган. Бунда турбулентликнинг яхши ўрганилган  $k-\varepsilon$  модели ишлатилди. Чанг туткининг схематик кўриниши 3-расмда келтирилган.

Цилиндрик координаталар системасида тенгламалар куйидаги кўринишга эга:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial V_z}{\partial z} + \frac{\partial r V_r}{r \partial r} = 0, \quad \rho V_r \frac{\partial V_r}{\partial r} + \rho V_z \frac{\partial V_r}{\partial z} - \frac{\rho V_\varphi^2}{r} + \frac{\partial p}{\partial r} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \mu_s \frac{\partial V_r}{\partial r} \right), \\ \rho V_r \frac{\partial V_z}{\partial r} + \rho V_z \frac{\partial V_z}{\partial z} + \frac{\partial p}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \mu_s \frac{\partial V_z}{\partial r} \right) + \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \mu_s \frac{\partial V_r}{\partial r} \right), \\ \rho V_r \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} + \rho V_z \frac{\partial V_\varphi}{\partial z} + \frac{\rho V_\varphi V_r}{r} = \frac{\partial}{\partial r} \left( r^2 \mu_s \left( \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} - \frac{V_\varphi}{r} \right) \right), \\ \rho V_r \frac{\partial k}{\partial r} + \rho V_z \frac{\partial k}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \frac{\mu_s}{\sigma_k} \frac{\partial k}{\partial r} \right) + G - \rho \varepsilon, \\ \rho V_r \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} + \rho V_z \frac{\partial \varepsilon}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \frac{\mu_s}{\sigma_\varepsilon} \frac{\partial k}{\partial r} \right) + c_1 f_1 \frac{\varepsilon}{k} G - c_2 f_2 \rho \frac{\varepsilon^2}{k}. \end{array} \right. \quad (14)$$

Чегаравий шартлар 2.2-параграфдагига ўхшаб ёзилди.

(14) тенгламалар системасини ечишда қулай бўлгани учун оқим чизиғи функцияси  $\psi$  ҳамда оқим уюрмаси  $\zeta$  киритилган:

$$V_r = -\frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial \varphi}, \quad V_z = \frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r}, \quad \zeta = \frac{\partial V_z}{\partial r} - \frac{\partial V_r}{\partial z}. \quad (15)$$

Босим чиқариб ташланганида (14) тенгламалар системасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\left\{ \begin{array}{l} V_r \frac{\partial \zeta}{\partial r} + V_z \frac{\partial \zeta}{\partial z} - \frac{V_r \zeta}{r} + 2V_\varphi \frac{\partial V_\varphi}{\partial z} = \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} r(v + v_t) \zeta \right), \\ V_r \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} + V_z \frac{\partial V_\varphi}{\partial z} + \frac{V_\varphi V_r}{r} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r(v + v_t) \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} \right) - \frac{v + v_t}{r^2} V_\varphi, \\ V_r \frac{\partial k}{\partial r} + V_z \frac{\partial k}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \frac{v + v_t}{\sigma_k} \frac{\partial k}{\partial r} \right) + G - \rho \varepsilon, \quad \frac{\partial}{\partial r} \left( \frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial r} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( \frac{1}{r} \frac{\partial \psi}{\partial z} \right) = \zeta, \\ V_r \frac{\partial \varepsilon}{\partial r} + V_z \frac{\partial \varepsilon}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left( r \frac{v + v_t}{\sigma_\varepsilon} \frac{\partial k}{\partial r} \right) + c_1 f_1 \frac{\varepsilon}{k} G - c_2 f_2 \rho \frac{\varepsilon^2}{k}. \end{array} \right. \quad (16)$$

Бундай тенгламалар системасининг стационар ечимини олиш учун барқарорлаштириш усулидан фойдаланилди. Ушбу усулнинг моҳияти шундан иборатки, тенгламалар ностационар ҳолда ёзиб олинади, сонли ечилади ва бу ечим вақт ўтиши билан стационар ечимга интилади.

Соҳани регуляр тўртбурчак шаклига олиб келиш мақсадида янги  $(\xi(z, r), \eta(z, r))$  координаталар киритилган:

$$\xi = \frac{z}{L}, \quad \eta = \frac{r}{f(z)}; \quad (17)$$

бу ерда  $z < 0$  да:  $f(z) = R$ ,  $0 < z < L$  да:  $f(z) = R - \frac{R-h}{L} z$ .

Янги ўзгарувчиларни (15) ва (16) тенгламалар системасига олиб бориб қўямиз ва ҳосил бўлган системани сонли ечамиз. Сонли усулнинг турғунлигини таъминлаш учун А.А. Самарскийнинг “оқимга қарши” схемаси ишлатилди ва диффузион ҳадлар марказий айирмалар билан аппроксимация қилинди. Оқим чизиғи функцияси учун олинган Пуассон тенгламаси ҳам марказий айирмалар билан аппроксимация қилинди ва сонли ечиш учун юқори релаксация итерацион усули қўлланилди.



Сонли тажриба ҳаво классификаторлари ичида кечадиган жараёнларни ўрганиш учун ўтказилди. Бунда қуйидаги параметрлардан фойдаланилди:

$$R_1 = 0.12 \text{ м}, R_2 = 0.2 \text{ м}, L = 3 \text{ м}, V_{0z} = 4.2 \text{ м/с}, V_{0r} = 0, rV_\varphi = 1.8 \frac{\text{м}^2}{\text{сек}}.$$

Натижалар ўлчовсиз бўйлама, кўндаланг, тангенциал тезликларнинг  $\xi = 0.5$  кесимда тарқалиши ва чанг зарраларининг траекториялари графиклари тарзида олинди.

Тўртинчи параграфда айланма ҳаракатли икки фазали турбулент оқимларни сонли ечиш учун алгоритм ишлаб чиқилди.

Чанг туткичларда чангнинг концентрацияси  $0.05 \text{ кг/м}^3$  га етиши мумкин.

Бу қиймат сиқилмайдиган ҳаво зичлигидан ( $1.29 \text{ кг/м}^3$ ) анча кичик. Шу сабабли кўплаб тадқиқот ишларида қаттиқ фазанинг ҳаво динамикасига таъсири эътиборсиз қолдирилади. Бироқ марказдан қочма куч таъсирида чанг зарралари тўпланадиган девор яқинида қаттиқ фазанинг концентрацияси катта қийматларга эришиши мумкин. Бундай ҳолларда қаттиқ фазанинг газ фазаси динамикасига таъсирини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Шунинг учун ушбу параграфда полидисперс қаттиқ заррачалар газ фазаси динамикасига таъсирини эътиборга олган ҳолда икки фазали муҳит қаралди:

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\partial V_z}{\partial t} + V_r \frac{\partial V_z}{\partial r} + V_z \frac{\partial V_z}{\partial z} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial z} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left[ r(v + v_i) \frac{\partial V_z}{\partial r} \right] - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (V_z - \mathcal{G}_{iz}), \\ \frac{\partial V_r}{\partial t} + V_r \frac{\partial V_r}{\partial r} + V_z \frac{\partial V_r}{\partial z} - \frac{V_\varphi^2}{r} + \frac{1}{\rho} \frac{\partial p}{\partial r} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left[ r(v + v_i) \frac{\partial V_r}{\partial r} \right] - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (V_r - \mathcal{G}_{ir}), \\ \frac{\partial V_\varphi}{\partial t} + V_r \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} + V_z \frac{\partial V_\varphi}{\partial z} + \frac{V_\varphi V_r}{r} = \frac{1}{r} \frac{\partial}{\partial r} \left[ r(v + v_i) \frac{\partial V_\varphi}{\partial r} \right] - \frac{(v + v_i)}{r^2} V_\varphi - \sum_{i=1}^N \frac{\rho_i}{\rho} k_i (V_\varphi - \mathcal{G}_{i\varphi}), \\ \frac{\partial \rho_i}{\partial t} + \frac{\partial r \rho_i \mathcal{G}_{ir}}{r \partial r} + \frac{\partial \rho_i \mathcal{G}_{iz}}{\partial z} = \frac{\rho}{\rho + \rho_p} \frac{v + v_i}{S_c} \rho_p, \quad \frac{\partial \mathcal{G}_{iz}}{\partial t} + \mathcal{G}_{ir} \frac{\partial \mathcal{G}_{iz}}{\partial r} + \mathcal{G}_{iz} \frac{\partial \mathcal{G}_{iz}}{\partial z} = k_i (V_z - \mathcal{G}_{iz}), \\ \frac{\partial \mathcal{G}_{ir}}{\partial t} + \mathcal{G}_{ir} \frac{\partial \mathcal{G}_{ir}}{\partial r} + \mathcal{G}_{iz} \frac{\partial \mathcal{G}_{ir}}{\partial z} - \frac{v_i^2}{r} = k_i (V_r - \mathcal{G}_{ir}), \quad \frac{\partial \mathcal{G}_{i\varphi}}{\partial t} + \mathcal{G}_{ir} \frac{\partial \mathcal{G}_{i\varphi}}{\partial r} + \mathcal{G}_{iz} \frac{\partial \mathcal{G}_{i\varphi}}{\partial z} + \frac{\mathcal{G}_{i\varphi} \mathcal{G}_{ir}}{r} = k_i (V_\varphi - \mathcal{G}_{i\varphi}), \\ \frac{\partial \tilde{v}}{\partial t} + V_z \frac{\partial \tilde{v}}{\partial z} + V_r \frac{\partial \tilde{v}}{\partial r} = P_w - D_w + \frac{1}{\sigma} \left[ \frac{\partial}{\partial r} \left( (v + \tilde{v}) \frac{\partial \tilde{v}}{\partial r} \right) + C_{\sigma 2} \left( \frac{\partial \tilde{v}}{\partial r} \right)^2 \right], \quad \frac{\partial V_z}{\partial z} + \frac{\partial r V_r}{r \partial r} = 0. \end{array} \right. \quad (18)$$

Бу ерда  $\mathcal{G}_{iz}$ ,  $\mathcal{G}_{ir}$ ,  $\mathcal{G}_{i\varphi}$  –  $i$ -чанг фракцияси заррачалари тезлик векторининг ташкил этувчилари;  $p$  – босим;  $\rho$  – ҳаво зичлиги;  $v$  – ҳавонинг молекуляр кинематик ёпишқоқлиги;  $v_i$  – ҳаво оқимининг турбулент ёпишқоқлиги;  $\rho_i$  – чанг зарраларининг зичлиги;  $k_i$  –  $i$ -фракция ва ҳаво ўртасидаги ўзаро импульс алмашиш коэффициенти;  $D$  – қаттиқ фазанинг диффузия коэффициенти;  $S_c = 0.8$  – Шмидт сони.

Қаттиқ деворларда тезликларни нолга тенглаб оламиз;

$$z = 0 \quad \text{ва} \quad 0 < r < R_1 \quad \text{да:} \quad V_r = V_r(r), \quad V_z = V_z(r), \quad V_\varphi = V_\varphi(r); \quad \mathcal{G}_{iz} = V_z(r), \\ \mathcal{G}_{ir} = V_r(r), \quad \mathcal{G}_{i\varphi} = V_\varphi(r); \quad z = 0 \quad \text{ва} \quad R_1 < r < R_2 \quad \text{да:} \quad \mathcal{G}_{ir} = \mathcal{G}_{i\varphi} = V_r = V_\varphi = 0,$$


$$\frac{\partial \mathcal{G}_{iz}}{\partial r} = \frac{\partial V_z}{\partial r} = 0; \quad z = L \quad \text{да:} \quad \frac{\partial^2 V_r}{\partial r^2} = 0, \quad \frac{\partial^2 V_z}{\partial r^2} = 0, \quad \frac{\partial^2 V_\varphi}{\partial r^2} = 0, \quad \frac{\partial^2 \mathcal{G}_{ir}}{\partial r^2} = \frac{\partial^2 \mathcal{G}_{iz}}{\partial r^2} = \frac{\partial^2 \mathcal{G}_{i\varphi}}{\partial r^2} = 0.$$

Фазалар орасидаги ўзаро таъсирлашув коэффициенти Стокс формуласи орқали аниқланган:  $k_i = \frac{18\rho\nu}{\rho^0 \delta_i^2}$ . Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Лагранж

ёндашуви заррачалар траекториясини ҳисоблаш учун қулайдир. Бунинг учун (18) системадаги 6-8- тенгламаларни қуйидаги шаклда ёзамиз:


$$\frac{d\mathcal{G}_{ir}}{dt} - \frac{\mathcal{G}_{i\varphi}^2}{r} = k_i(V_r - \mathcal{G}_{ir}), \quad \frac{d\mathcal{G}_{iz}}{dt} = k_i(V_z - \mathcal{G}_{iz}), \quad \frac{d\mathcal{G}_{i\varphi}}{dt} + \frac{\mathcal{G}_{i\varphi}\mathcal{G}_{ir}}{r} = k_i(V_\varphi - \mathcal{G}_{i\varphi}). \quad (19)$$

Олдинги параграфдагидек, оқим чизиғи функцияси  $\psi$  ва оқим уюрмаси  $\zeta$  киритамиз ва масалани сонли ечамиз.



**7-расм.  $\xi = 0.5$  кесимда ҳаво оқимининг аксиал, радиал ва тангенциал тезликларининг профиллари**

Кукуннинг дисперсион таҳлили Малверн лазер фирмасининг лазерли анализатори ёрдамида ўтказилди. Сонли ҳисоблаш натижаларини тажриба маълумотлар билан таққослаш учун, марказдан қочма чанг туткич томонидан тўпланган чанг тўқима материалли филтърда тутиб қолинган чанг таркибининг таҳлили ўтказилди. 8-расмда анализ натижалари нуқталар, сонли ҳисоблаш натижалари эса узлуксиз чизиклар билан берилган ва тўқима материалли филтърдаги чангнинг таркиби кўрсатилган. Ушбу расмдан кўриниб турибдики, сонли натижалар ва дисперсион таҳлил маълумотлари билан устма-уст тушади.



**8-расм. Тўқима материалли филтёрдаги чанг таркибининг дисперсион таркиби**

## ХУЛОСА

«Айланма ҳаракатли оқимларнинг математик моделлари ва уларни сонли ечиш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Айланма ҳаракатли турбулент оқимда қаттиқ зарралар таъсир қилувчи кучлар таҳлил этилди. Ушбу таҳлил натижасида оқимдаги қаттиқ зарралар динамикасига гравитация, магнит, турбулент, электромагнит кучлар ва шунингдек, Сефмен, Магнус, Рахматулин кучларнинг таъсири кичиклиги кўрсатилди. Шу туфайли математик моделларни қуришда фақатгина марказдан қочма ва фазалараро таъсирлашув кучлари ҳисобга олинди.

2. Пахтани терим жараёнида майда чанг зарраларидан тозалаш учун вентилятор ва бункер орасига ўрнатиладиган қурилма таклиф этилди. Бу қурилма учун математик модель тузилди ва мос масала сонли ечилди. Натижада пахтани машинада териш жараёнида майда чанг зарраларидан қисман тозалаш мумкин эканлиги кўрсатилди.

3. Қаттиқ фаза сарфининг кичик қиймати ҳолларида газли муҳит динамикасини моделлаштириш учун гидродинамика тенгламаларини қўллаш мумкинлиги намоён этилди. Қаттиқ фаза динамикасини моделлаштиришда қаттиқ зарраларга ҳаво оқими таъсирини ва марказдан қочма кучни эътиборга олган ҳолда Лагранж ёндашуви самарали эканлиги кўрсатилди.

4. Ёпишқоқ сиқилмайдиган суюқликнинг ясси ва эгри сирт билан чегараланган соҳадаги ҳаракати масаласи Навье-Стокс тенгламалари асосида ва Мак-Кормакнинг придектор-корректор усулини қўллаб сонли ечилди. Рейнольдс сонининг катта қийматларида оқимда турбулентликка олиб келадиган узилиш пайдо бўлиши исботланди.

5. Ясси пластинани оқиб ўтиш ва ўққа нисбатан симметрик струя масалаларини сонли ечишда Мизес алмаштиришларига ўтилди, ошқормас чекли айирмалар схемаси ва турбулентликнинг замонавий моделларидан фойдаланилди. Ушбу моделларнинг адекватлиги кўрсатилди.

6. Марказдан қочма чанг туткидаги турбулент ҳаракат тенгламаларини сонли ечиш учун оқим функцияси ва циркуляция киритилди ва А.А. Самарскийнинг “оқимга қарши” схемасидан фойдаланилди. Улар

асосида ишлаб чиқилган дастурий восита чанг туткичнинг самарадорлигини аниқлашда фойдаланилди.

7. Яратилган дастурий таъминот полидисперс чангларни тутиб қолиш масаласига татбиқ этилиши мумкинлиги тасдиқланди. Сонли натижа Малверн лазер фирмасининг лазерли анализатори ёрдамида аниқланган қаттиқ зарралар дисперсион таркибига мос келади.

8. Яратилган ЭХМ дастури Олмалик тоғ металлургия комбинатида Рух заводида майда рух кукунини ажратиб олиш жараёнига муваффақиятли татбиқ этилди. Илмий тадқиқот натижасида чанг туткичнинг фойдали иш коэффиценти 50-70% гача оширилди ва натижада сифати чет эл кукунидан қолишмайдиган, ўлчами 7 мкмдан кичик бўлмаган рух кукуни ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

---

**ИНСТИТУТ МЕХАНИКИ И СЕЙСМОСТОЙКОСТИ СООРУЖЕНИЙ**

**НАЗАРОВ ФАРРУХ ХОЛИЁРОВИЧ**

**МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ ВРАЩАЮЩИХСЯ  
ПОТОКОВ И ИХ ЧИСЛЕННЫЕ РЕШЕНИЯ**

01.02.05 – Механика жидкости и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2020.2.PhD/FM236**

Диссертация выполнена в Институте механики и сейсмостойкости сооружений имени М.Т. Уразбаева АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.instmech.uz](http://www.instmech.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Маликов Зафар Маматкулович</b> доктор технических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Худайкулов Совет Ишонкулович</b> доктор технических наук, профессор <b>Зокиров Аскар Халилович</b> кандидат физико-математических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится «5» августа 2020 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.T/FM.61.01 при Институте механики и сейсмостойкости сооружений. (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33, зал заседаний-1. Тел.(99871) 262-71-52; факс: (99871) 262-71-32, e-mail: [instmech@academy.uz](mailto:instmech@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института механики и сейсмостойкости сооружений (зарегистрирована за № 1). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 33. Тел.(99871) 262-71-52).

Автореферат диссертации разослан «13» июля 2020 года.  
(реестр Протокола рассылки № 1 от «13» июля 2020 года.)



**М.М. Мирсаидов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор, академик АН Руз

**М.К. Усаров**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.-м.н., с.н.с.

**И.К. Хужаев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Закрученные потоки жидкости и газа на мировом уровне широко используются в различных технологических процессах. С помощью вращающихся потоков проводится обогащение урана, удерживается пыль в пылеуловителях, разделяются различные материалы в сепараторах, стабилизируется процесс горения в двигателях внутреннего сгорания и так далее. Кроме того, вращательное движение потока можно наблюдать в природных явлениях, как ураганы в атмосфере, водовороты в реках, а также в следе летательных аппаратах, судовых винтов и ветряных генераторов. Во всех этих процессах наблюдается турбулентность потоков. Поэтому разработка эффективных математических моделей турбулентности для закрученных потоков и вычислительных алгоритмов являются актуальными проблемами в гидромеханике. Потому, что они позволяют изучить физические процессы, а также найти оптимальные параметры различных технологических устройств, где используются закрученные потоки.

В настоящее время в мире разрабатываются различные математические модели, описывающие вращательное движение сред, также расширяется круг их применения для решения различных прикладных задач. Вращение потока вызывает сильную анизотропную турбулентность. Математически эта проблема очень сложна и до сих пор не создана универсальная математическая модель для вращающегося турбулентного потока. Эта проблема еще больше усложняется при изучении многофазного турбулентного потока. В связи с этим необходимо разработать улучшенные математические модели, эффективные вычислительные алгоритмы и программы расчета для закрученных турбулентных течений многофазных сред.

